

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

145 (1665)	23 июль, 1960 йил, шанба	Баҳоси 20 тийин.
------------	--------------------------	------------------

Коммунистларча ишлайлик ва яшайлик!

Коммунистларча ишлайлик ва яшайлик! Бу шior остида мамлакатимизда совет кишилари коммунизмнинг узил-кесил ғалабаси муддатларини яқинлаштиришга интилаётганлигини аке эътирувчи қудратли ҳаракат авж олди. Коммунист меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган юксак номини олиш учун бошланган мусобақа илчи ва колхозчиларнинг тобора кенг оммасини ўз ичига олмакда. Халқ ўртасида бу мусобақа қатнашчиларини келажак разведкачилари деб тўғри атайдилар.

Бутун мамлакатимиздагидек, Ўзбекистонда ҳам КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг якунлари қизгин муҳокама қилинмоқда. Пленум қарорлари етти йиллик планини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш халқ хўжалигининг барча тармоқларида техникани тараққий эттириш йўлидаги курашни янги куч билан олга бостиради. Ана шундай ажойиб кунларда Тошкентда коммунист меҳнат бригадалари ва зарбдорла-

ри мусобақаси илгорларининг биринчи республика кенгаши очилди. Кенгаши Ўзбекистон касаба союзулари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қақирди.

22 июль эрталаб соат 10. Навоий номидаги Давлат опера ва балет театрининг катта зали кишилар билан лиқ тўлган. Бу ерда металлург ва машинасозлар, газчи ва нефтчилар, тўқимачи ва бинокорлар, темир йўлчи ва сувчилар, қишлоқ хўжалик механизаторлари, донгдор пахтакорлар, чорвадорлар — Ўзбекистон ишчилар сифининг ва колхозчи деҳқонларининг бутун гули тўпланган.

Залда азиз меҳмонлар — Москва, Иваново ишчиларининг, қардош иттифоқчи республикалар — Қозғистон, Тожикистон, Туркмакистон, Қирғизистон ва Озарбайжоннинг вакиллари ўтирибдилар.

Кенгаши Ўзбекистон касаба союзулари республика совети раиси С. Н. Нуриддинов очди.

Ҳаммининг гулдўрос қарсақлари остида В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводининг прокатчилар бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддинов, «Ташсельмаш» заводининг фрезерчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Удалова, «Оққўрғон» совхози комплекс механизациялаш бригадасининг раҳбари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Алижонов, «Ўзбексельмаш» заводи токарлар бригадасининг раҳбари В. Ермошин Оржоникидзе районидagi Ленин номи колхозининг сўт соғувчиси З. Комилова, Маргилон ипачилик комбинатининг мастер ёрдамчиси А. Назиров, Тошкент тўқимачилик комбинатининг бригада бошлиғи В. Пилинова, Ленин районидagi Сталин номи колхозининг тракторчиси И. Нурматова, «Улуғс» совхозининг старший чўпони И. Расулов, Хива ғилам тўғувчиси А. Хўжаева ва бошқалар президиумга чиқадилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўзбекистон КП Тошкент область Комитетида

Резервлардан унумли фойдаланайлик

Область партия комитети бюроси қайд қиладики, Юқори Чирчиқ районининг колхозлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан анчагина иш қилдилар, давлатга дон, пилла, туҳум, гўшт сотиш йиллик планлари муддатидан илгари ортигин билан бажаришди.

Район колхозлари давлатга сўт ва жун сотиш йиллик планларини бажариш арафасида турибдилар.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети биринчи Секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номига ёзилган мактубда қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятни амалда бажариш учун ҳаракат қилиб пахта ҳосили тўплаш юзасидан катта ишлар қилдилар ва давлатга илгари мажбуриятда белгиланган 27,3 центнер ўринга ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириб сотиш учун барча тадбирларни амалга оширишмоқдалар.

Парвариш сифатли ўтказилганлиги натижасида маккажўхори ўсимлигининг яхши ривожланиши таъминланди. Колхозлар илгари белгиланганидек гектаридан 600 центнердан эмас, балки суғориладиган ерларда 1200 центнердан ва шартли суғориладиган ерларда 500 центнердан макка жўхори кўпоёси

етиштиришга қарор қилдилар. Кам деганда 105 минг тонна силос бостиришга аҳд қилинди.

Тошкент область партия комитети бюроси ҚАРОР ҚИЛДИ:

Районда ғўзани вегетация даврининг охиригача — пахта очилгунча парвариш қилиш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳамда колхозларнинг оширилган социалистик мажбуриятлари ва бу соҳадagi қимматли ташаббуслари область партия комитети бюроси томонидан маъқуладди.

Область партия комитети район партия комитетлари ва шаҳар партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотлари зиммасига Юқори Чирчиқ район шолхозларининг пахта ва маккажўхори етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган янги мажбуриятларини колхозчилар, совхоз ишчиларининг йиғилишларида муҳокама қилишни тапшиқ этиш, қишлоқ меҳнаткашларининг ажодий ташаббусларини сафарбар этиб, ҳар бир колхоз, совхоз, бўлим ва бригадда олдинга мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган қўшимча тадбирлар белгилаш вазифасини топширди.

Область, районлараро ҳамда район газеталарининг редакцияларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашаётган колхоз ва совхозларининг ишларини кенг ёритиб бориш топширилди.

Юқори Чирчиқ райони колхозларида 20 июлдан 1 сентябргача ғўза парварлишини ўтназиш юзасидан белгиланган

ТАДБИРЛАР

1960 йилнинг бошида район меҳнаткашлари давлатга 13 минг тонна пахта, 85 минг тонна каноп-жўт поёси, 4120 тонна (шоди бу ҳисобга кирмайди) дон, 78 тонна пилла етиштириш ва давлатга сотиш мажбуриятини олган эдилар. Шунингдек колхозлар ва совхозлар давлатга икки йиллик план миқдорига гўшт сотиш, 4300 тонна сўт, 1 миллион 150 минг донна туҳум ва 110 тонна жун сотишга қарор қилганлар. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 600 центнердан, шартли суғориладиган ерлардан 360 центнердан маккажўхори кўпоёси етиштириб, кам деганда 44 минг тонна силос бостиришга аҳд қилинган.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, барча қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари натижасида давлатга дон (шодидан ташқари), пилла ҳамда туҳум сотиш юзасидан олдинга социалистик мажбуриятлар бажарилади. Иқин кунлар ичида бир ярим йиллик, 7 ноябрга қадар эса икки йиллик гўшт сотиш плани бажарилади. Тошкент область партия комитетининг навбатдаги IV пленуми очилмагунча кўнга қадар давлатга сўт ва жун сотиш йиллик планини бажариш мўлжалланган. Ғўза, маккажўхори, каноп ва жўт экинлари парварлишини сира бўшатиришдан пахта, дуб экинлари ҳосили етиштириш, силос бостириш юзасидан олган мажбуриятларнинг ортигин билан бажарилишига эришилди.

Район пахтакорлари шу йил 14 июнда Ингйўлда бўлиб ўтган область қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши қатнашчилари томонидан ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номига ёзилган Мактубни диққат билан муҳокама қилиб ва ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб зиммаларига оширилган янги мажбурият олдилар. Давлатга илгари мўлжал қилингангидек, гектаридан 27,3 центнердан эмас, балки 35 центнердан пахта ҳосили топиришга аҳд қилдилар.

Бу бажариш мумкин бўлган мажбуриятдир. Шунинг учун ҳам бу мажбурият сўзсиз бажариладики, ҳозирги кунда колхоз ва совхозларда мўл ҳосил учун кураш кундан-кунга қизилиш тус олмакда, ғўза парварлиши сураати тезлашмоқда. Районнинг Свердлов номи, «Правда», «Политотдел» сингари пешқадам колхозлари, шунингдек 12 та пахтачилик бригадалари ҳар гектар ердан 45—47 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топиришга юзасидан берилган вазданиннг улдасидан чиқиш учун Свердлов номи колхоз гектаридан 45 центнердан, «Правда» колхозидан 45 центнердан, «Политотдел» колхозидан ҳам 45 центнердан, Сталин номи, «Ленинград» колхозларида эса гектаридан 40 центнердан, «III интернационал» колхозидан 30 центнердан, Жамбул номи колхозда 25 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олазми.

Биз пахта йиғим-терими бошлангунча қадар ғўза парварлишини су-сайтиришга йўла қўймаймиз. Ҳозир суғоришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ғўза онг яхши муддатларда ўсимлигининг талаби ҳисобга олиниб, кечасио-кундузи суғоришмоқда, ғўзани бостириб суғоришмоқда ёки чанқаб қолишига йўла қўймаймиз.

Суғориш култивация билан қатъий боғлаб олиб боришмоқда. Қатор оралари 18—29 сантиметр чуқурликдан кам бўлмаган ҳолда култивация қилинаётир. Биз култивациянинг юқори сифатли бўлиши учун курашил даладарни бегона ўтдан мушмин қадар-теароқ тозалаб олазми. Ҳузунасига ва кўндалангига култивация вақтида қатор ораларининг тўла қамраб олинишига эришамиз.

20 августга қадар ғўзани кам деганда икки мартаба тўла ишловдан чиқарамиз. Бу давр ичида ғўзани маҳаллий ўғит билан озиқлантиришнинг давом эттирамиз, шарват оқизишнинг кенг йўлга қўямиз. Ғўзаси ривожланишдан қолган участкаларда,

1 августга қадар ўсимлиқни суяқ азот ва фосфор ўғитлари билан барги орқали озиқлантирамиз.

Илгор бригадаларимиз чеканка қилишни бошлаб юбордилар. Районимиз бўйича бу ишни 1 августдан кечиктирмадан тугаллашни мўлжаллаб турибмиз. Чеканка барча агро-техника талаблари асосида ўтказилмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркуналдари ҳосилини ноубуд қилишга йўл қўймаслик учун 5 августга қадар яна бир бор комплекс профилактик тадбирларни амалга оширамиз.

Бу тадбирлар бажарилиб, биз 10 августга қадар ҳар туп ғўзда кам деганда 10—12 тадан кўсак тўплашга эришамиз.

Июлнинг охири ва августнинг биринчи ўн кунлигида машина терими-га ажратилган майдонларда зарур агротехника тадбирларини амалга оширамиз. Шу муддат ичида пахта териш техникаси ва механик-ҳайдовчи кадрларни тайёрлашни тугал-лашга эришамиз.

Шунингдек район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари янги мажбурият бўйича суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 1200, шартли суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 500 центнердан маккажўхори кўпоёси етиштириш ва 105 минг тонна силос бостириш ишига ҳам куч ва гайратларини сарф қиладилар. Район колхозчилари, совхоз ишчилари пахта, дуб экинлари ҳосилини етиштириш ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олганга социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун бутун куч ва гайратларини сарфлайдилар.

Бу тадбирлар колхозчилар умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар халқ хўжалигини ривожлантириш 1960 йил давлат планининг биринчи ярим йилда бажарилиши якунлари тўғрисида
Тошкент область ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг АХБОРОТИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, 1960 йилнинг биринчи ярим йилида саноатни, қишлоқ хўжалигини, капитал қурилишни ривожлантириш, товар оборотини кенгайтириш ва меҳнаткашларининг моддий ҳамда маданий турмуш даражасини яхшилашда катта ютуқларга эришилдилар. Бу муваффақиятлар қўйдаги маълумотларда ўз ифодасини тошган.

САНОАТ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноатининг ходимлари КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошира бориб, етти йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари, 21 июнда бажардилар.

Ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 106 процент, шу жумладан Тошкент области бўйича 107 процент, Тошкент шаҳри бўйича 105 процент бажарилиди.

1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 17 процент, шу жумладан Тошкент области бўйича 25 процент ва Тошкент шаҳри бўйича 14 процент ошди.

Саноат бўйича планининг бажарилиши ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши қўйдаги рақамлардан кўринади:

Биринчи ярим йиллик планининг бажарилиши (процент ҳисобид)	1960 йилнинг ярим йилида 1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан (процент ҳисобид)	1960 йилнинг биринчи ярим йилида 1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан (процент ҳисобид)
Халқ хўжалик кенгаши	105	117
Тошкент область ижроия комитетининг саноат бошқармаси	111	126
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат бошқармаси	108	114
Республика министрликлари ва ведомстволарининг корхоналари	108	109
Иттифоқ министрликлари ва ведомстволарининг корхоналари	103	133
Саноатнинг айрим тармоқлари бўйича ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қўйдаги миқдорларда ошди.		

Кора металлургия	111
Рангли металлургия	138
Электр қуввати ҳосил қилиш	113
Кўмир саноати	124
Машинасозлик ва металл ишлаш	125
Кимё саноати	111
Ўрмон, қорғоз ва ёғоч ишлаш саноати	119
Бинокорлик материаллари саноати	123
Енгил саноат	112
Озиқ-овқат саноати	108
Ўтган ярим йилликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайти-	

БОЛТИҚ БЎЙИДА ШОДИЁНАЛИК

ЛИТВА ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ СЕССИЯСИ

ВИЛЬНЮС, 21 июль. (ТАСС). Совет Литвасининг Йигирма йиллиги шарафига шаҳар ва қишлоқлар байрам либосини кийган. Республика пойтахти — Вильнюс айниқса тавожум. Бу ерга жуда кўп меҳмонлар келган. Байроқлар билан безатилаган кўча ва майдонларда ашула байрами қатнашчиларининг ранба-ранг миллий кийимлари кўзга таъналанди.

Бугун кечқурун шоли воқеага бағишланиб, Литва ССР Олий Советининг сессияси тантанали вазиятда очилди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, Литва КП Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечук, республика Олий Совети Президиумининг раиси Ю. И. Палескис, Литва ССР Министрлар Советининг раиси М. Ю. Шумаускас, иттифоқчи республикалар делегацияларининг вакиллари президиумга чиққанларида залда тўпланган депутатлар ва меҳмонлар уларни давоми қарсақлар билан қутиб олдилар.

Литва ССР Олий Советининг раиси ўртоқ В. Ю. Юнка кириш нутқи сўзлаб, сессияни очди.

Совет Литвасининг 20 йиллиги тўғрисида Литва КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ю. Снечук доклад қилди.

У Литва халқининг саноат ва қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, фан ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятларини батафсил ёритиб берди.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов сўзлади. Задалгилар уни қиёгин қарсақлар билан қутиб олдилар.

Ўртоқ Суслов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ва уларнинг топиригига мувофиқ, Литва ССРнинг барча меҳнаткашларини Совет Литвасининг 20 йиллиги билан самийи табриқлайди.

Ўртоқ Суслов Совет Иттифоқининг буюқ муваффақиятлари ва мамлакат экономикасини янада ривожлантиришнинг ултувор истиқболларига тўхталиб, бутун социалистик лагериинг қудрати тобора ўсаётганлиги даълатга тапиради.

Ана шу гоҳидона юришда меҳнатсевар Литва халқи ҳам барча қардош халқлар билан ёнма-ён бормоқда.

Америка империалистлари ва уларнинг малайлари мамлакатимиз халқлари ўртасидаги муносабатларга раҳна солишти; уларнинг қардошлик дўстлигига шутур етказишга уринмоқдалар. Лекин душманларнинг бу ҳамма найранглари муқаррар барбод бўлади.

Совет кишилари, дейди Ўртоқ Суслов, ўз ҳукуматининг илчи ташқи снбсатини ва унинг халқлар ўртасида тинчлик йўлидаги курашини чин қалбдан қўллаб-қувватламоқдалар.

М. А. Суслов КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табригини ўқиб ашиттирди. Бунга жарабон қарсақлар узоқ вақт давом этади.

Сўнгра қардош республикалар делегацияларининг вакиллари табрик нутқи сўзлайдилар.

Гоёт баланд рух билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилинди.

КАТТА ХАЛҚ БАЙРАМИ

РИГА, 21 июль. (ТАСС). Бугун Латвия ССР давлат академик опера ва балет театри задида республиканиннг 20 йиллик юбилейига бағишланиб, Латвия ССР Олий Совети ва Латвия Компартияси Марказий Комитетининг тантали мажлиси бўлди. Бу ерда СССР Олий Совети ва Латвия ССР Олий Совети депутатлари, Латвия Компартияси Марказий Комитети аъзолари ва аъзолигига кандидатлар, революцион жанглариинг ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, корхоналарининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш новаторлари, партия, совет, касаба союз ва номсолом ходимлари, республика шаҳар ва район меҳнаткашларининг вакиллари тўпланганлар. Барча қардош иттифоқчи республикалардан келган жуда кўп меҳмонлар бор.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Н. М. Шверник, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Я. Пельше, Латвия ССР Олий Совети Президиумининг раиси Я. Э. Калнберзин, республика Министрлар Советининг раиси Я. В. Пейве ва бошқалар тантанали мажлис президиумга чиққанларида задалгилар уларни қизгин қарсақлар билан қутиб олдилар.

Тантанали мажлиси Латвия ССР Олий Советининг Раиси Я. Ф. Ванга очди. У қардош совет республикаларидан келган меҳмонларни самийи табриқлади.

риш сўзлатлари 1960 йил учун белгиланган планда назарда тутилганига нисбатан анча юқори бўлди.

1960 йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулоти асосий турларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши қўйдаги маълумотлардан кўринади.

1960 йилнинг биринчи ярим йилида 1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан (процент ҳисобид)	1960 йилнинг биринчи ярим йилида 1959 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан (процент ҳисобид)
Пўлат	105
Кўмир	120
Электр қуввати	115
Кимё ускуналари	114
Минерал ўғитлар	114
Компрессорлар	116
Трансформаторлар	153
Кўтарма кранлари	95
Экскаваторлар	113
Пахта селкалари	76
Трактор култиваторлари	86
Цемент	174
Шифер	121
Асбоцемент трубалари	107
Йиғма темир-бетон конструкциялари	175

Ғишт (колхозларда ишлаб чиқарилган ҳисобга кирмайди)	112
Дераза ойнаси	112
Қорғоз	103
Пахта толаси	144
Ип газлаамалар	105
Устки трикотаж	119
Ички трикотаж	109
Чарм пойфазал	112
Мебель	124
Гўшт (давлат хомашё ресурсларидан)	151
Қолбаса маҳсулотлари	151
Қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари	122
Мол ёғи (давлат хомашё ресурсларидан)	123
Консервалар	102

Кўмир қадиб чиқариш, пўлат, электр қуввати, минерал ўғитлар, кимё ускуналари, пахта териш машиналари, пахта селкалари, трактор култиваторлари, цемент, шифер, дераза ойнаси, ип газлаамалар, пойфазал, гўшт, қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари, мол ва ўсимлик ёғи, шунингдек саноат маҳсулотининг жуда кўп турлари ҳамда кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ярим йиллик плани ошириб бажарилди. Компрессорлар, экскаваторлар, йиғма темир-бетон буюмлари ва бинокорлик гишти ишлаб чиқариш ярим йиллик плани бажарилмади.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ярим йиллик плани умуман ошириб бажарилган ҳолда, айрим корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик планини бажармадилар, белгиланганига нисбатан 27,6 миллион сўмлик кам маҳсулот тайёрлашди. Халқ хўжалигига қарашли ўртта корхона — плавико-шпат комбинати, «Ўзбексельмаш», абразив ва подшипник заводлари планини бажармади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

СОВЕТ ЭСТОНΙΑСИНИНГ

ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ

ТАЛЛИН, 20 июль. (ТАСС) Бугун бу ерда Эстония ССР Олий Совети нинг Эстонияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг йигирма йиллигига бағишланган юбилей сессияси бўлди. Сессия ишида депутатлардан ташқари, бир мин кишига ақин меҳмонлар — саноат,қишлоқ хўжалиги, фан, маданиятнинг илгир кишилари қатнашдилар. Сессияда барча совет республикалари, шунингдек Ленинград делегациялари ҳозир бўдилар.

Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кабин доклад қилди. Ўртоқ Кабин республика халқ хўжалигининг муваффақиятларини характердовчи маълумотларни келтирди.

Сессияда гулдўрос қарсақлар билан қутиб олган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ О. В. Куусинен нутқ сўзлади.

Ўртоқ Куусинен ўз нутқида рус халқи ҳамда Совет мамлакатидagi бошқа халқларнинг ёрдамида Эстония меҳнаткашлари қўлга киритган жуда катта муваффақиятларини таъкидлаб ўтди. Барча республикаларининг меҳнаткашлари, деб уқтириб ўтди у, хўжалик ва маданий қурилишда эстон халқи эришган ажойиб муваффақиятлардан, социалистик система-нинг буюқ афзалликларини яққол намойиш қилаётган муваффақиятлардан чин қалбдан қувонмоқдалар.

Давлат плани бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан капитал маблағ сарфлаш ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярим йилдагига нисбатан 19 процент ошди ва 1 миллиард сўмдан кўпроқни ташкил этди. Саноатта капитал маблағ сарфлаш ярим йиллик плани 1959 йилнинг биринчи ярим йилдаги даражадан 33 процент, шу жумладан Тошкент



ПАХТАНИ МАШИНА БИЛАН ТЕ-РИШГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК!

12250 тонна пахта машинада терилади

Областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил давлатга 500 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ана шу ҳосилнинг 140 минг тоннаси машина билан йиғиб олинади. Бу шарофатли мажбуриятни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир механизаторнинг ватанпарварлик бурчидир.

Оржоникидзе райониде яқинда ўтказилган кенгашида қишлоқ механизаторлари шу масала устида маслаҳатлашиб олинди. Кенгаш қатнашчилари бу йил машинада пахта теришни муваффақиятли ўтказиш учун қандай ишлар қилиш зарурлиги тўғрисида батафсил гапирдилар.

Район колхозларида пахтаси машина билан терилганда қаргалар ажратиб қўйилган. Бу қаргаларда гўза тулариде ҳосил мўл бўлишини, кўсакларнинг эрта пишиб етилишини таъминлаш зарур. Гўза тулариде текис ва нормал ривожланиш, ётиб қолмаслиги керак. Бегона ўтларини ўз вақтида йўқотиш гўзанинг ҳосил тўлиқлиги қўлайтиради. Кўсакларнинг эрта етилиши ва яқини тўлиқлиги учун суғориш, озиқлантириш ишларини тўғри ўтказиш, гўза қатор ораларида ўз вақтида сифатли ишлов бериб, чекангага жиддий эътибор бериш лозим. Шунингдек дефляциянинг ўз вақтида ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳарбир механик ҳайдовчи ўз ҳўжалигида ана шу тадбирларнинг тўла амалга оширилиши устидан назорат қилиб турсин. Шу билан бирга кенгашида пахта териш машиналарини мавсумга тахт қилиб қўйиш, механизаторларга қўлайли ш шaroити яратиб бериш те-ришга тайёргарликнинг асосий шартларидан бири эканлиги уқтирилади.

Кенгашида иштирок этган механизаторлар ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишди. Жумладан «Сталинград» колхозининг механизаторлари Н. Ғуломов ва И. Раҳимов ХВБ-1,2 машинасида 250 тоннадан, Киров номили колхоз механизаторлари А. Маликов ва С. Хантов ўртоқлар СХМ—48 М машинасида 150 тоннадан пахта теришга сўз бердилар.

Кенгаш қатнашчилари бу йил район бўйича 12250 тонна пахта, яъни бутун ҳосилнинг 62 процентини машинада териб олишга қарор қилдилар.

Ҳозир район бўйича 26 та ҳар хил маркадаги пахта териш машинаси сифатли ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Колхозчилар кенгаш маслаҳатлари асосида машина теришга тайёргарликни қиянатиб юбордилар.

Т. НАЖМИДИНОВ.



Суратда: Оржоникидзе районининг илгор механик-ҳайдовчи ларидан бир гуруҳаси. Биринчи қаторда (чапдан) «Маданият» колхозидан Абдумалик Абдусамов, «Сталинград» колхозидан Нурит Ғуломов, Киров номили колхоздан Собир Ҳайитов, «Маданият» колхозидан Собир Павлов, иккинчи қаторда (чапдан) Киров номили колхоздан Қамбар Эгамбердиев, Хрушчев номили колхоздан Қолдирбек Жумабеков, Киров номили колхоздан Азам Маликов, «Маданият» колхоздан Раҳим Эгамбердиев ўртоқлар. Буларнинг ҳар бири машина билан 150 — 250 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

СУВ—ГЎЗА ТОМИРИГА ҚОН

Навоий номили колхознинг 2- участка даласига етиб келганимизда қўш ўзининг саҳий нурларини сочиб, ҳамма ёқни қиздиради. Атроф жим-жит. Далаги кўздан кечира бошладик: ҳеч ким кўйинмайди, фақат эггаларга таралган сув шилдираб оқинида давом этади. Бир текисда ривожланиб шонаси гулга, гуллари тўқ кўсакларга айланаётган гўзалар майли шабадада тебраниб, далага ажойиб ғайз бахш этган.

Пайкаллари яшнатиб қўйган кишиларни тезроқ кўришга, сўхбатлашишга омиҳарканмиз, эгати бондида икки киши кўзга ташланиб қолди. Буларнинг бири бригадани бошлиғи Қурбон Ервев, иккинчиси сувчи Анорқул Қурбонов экан.

— Ғўзанинг саратон суви билан суғоришни, гўзаларга қандай ишлов берилаётганлиги, озиқлантириш қандай ўтказилаётганлиги билан танишмоқ бўлсанглар, — деди бригадир мақсадиимизни аштитач. — сувчимиз Анорқул Қурбонов гапириб берақолсин.

— Нима десам экан, — секин-аста ҳикоя қила бошладик сувчи:

— Биз сувни гўза томирининг қони, деб биламиз. Шунинг учун суғоришни икки сменада ташкил қилганмиз. Сувни гўзаларнинг ҳолатига, талабига қараб тармоқлашамиз. Қайси қартада гўзанинг чанқоғани сезилиб, баргари қорайса ана шу қартадаги гўзаларга биринчи галда сув тараймиз. Бу ишда сувчи ҳамроҳларимдан Мирзақул Имомқу-

лов, Шодиқул Қорабевлар айниқса ғайрат кўрсатмоқдалар. Улар ҳар куни 5 — 6 гектар ердаги гўзанинг мириқиб сув ичишини таъминлаша-пти.

— Катта майдонлардаги гўзаларга қандай йўл билан сув таралмоқда? — сўрадик биз қизиқиб.

— Катта майдонлардаги гўзаларга сув тараш алоҳида ўтказилади. Колхозимизда сувчилар гуруҳаси ташкил қилинган. Бу гуруҳага 5—6 киши бикиртиб қўйилган. Улар катта майдонлардаги гўзаларга марказлаштирилган ҳолда сув қўйиб турибдилар. Бу тадбирлар гўзаларнинг нормал ривожланиш, мўл ҳосил тўлиқлиги таъминламоқда...

Ана энг бригадани аъзолари коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмоқдалар. Улар шу қуналарда гўзаларга тўртинчи марта ишлов беришмоқда. Гўзаларни озиқлантириш, култивация қилиш ишлари жадал суръатлар билан ўтказилаётди. Биринчи озиқлантириш гўза 2 — 3 чинабар чиқарганда ўтказилади. Бунда чирган гўнг билан аралаштирилган азот ўғити фосфор ўғитлари билан қўшиб солиниди. Иккинчи озиқлантиришда аса азот ўғитларининг миқдори оширилади. Натияжада ўсимдан орқада қолган гўзалар нормал ривожланиётган гўзалар қаторига етказиб олинди. Ҳозир бу гўзаларда ҳосил мевалари бўнаиб бормоқда.

Бригадани гўза қатор ораларида ишлов бериш янада намуналидир. Мавсумда минг гектар гўза қатор

ораларига ишлов бериш мажбуриятини олган моҳир механизатор Муни сўрмоққа Шарофов ҳар куни 11-12 гектар ердаги гўза қатор ораларини сифатли қилиб юмшатишмоқда.

Шунингдек, гўзага ишлов беришда 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган Х. Эмбеков ва 100 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил қўтариш мажбуриятини олган М. Сангиев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ишлаётган механизаторлардан М. Холимиров, Б. Эсентурдиев ўртоқлар ҳам ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу механизаторлар гўза қатор ораларида сифатли ишлов бериб қўйиб, чирмоқ, шўра қайи ботқоқ ўтларини тат-томири билан йўқатишмоқдалар. Бу билан гўза қатор ораларида пахта териш машиналарининг бетўхтов, унумли ишлашига замин яратмоқдалар.

— Бегона ўтлар вақтида тозаланмаса, — дейишди улар, — терим вақтида машиналарнинг ишини дедаларига ва бошқа иш органларига ўт тикилиб қолди. Бу, терим суръатини пасайтириш билан бирга пахтанинг ифлосланишига сабаб бўлади. Шунинг учун култивация вақтида бир йўла ўтларни йўқотиб кетиш жуда фойдалидир.

Навоий номили колхознинг меҳнат-севар аъзолари ўзларининг гўза парварлишида олиб бораётган ишлари билан Бекобод районидаги бошқа колхоз аъзоларига ҳам ўрнак бўлмоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.

Машинага кенг йўл!

(Оққўрғон район механизаторларининг янги мажбурияти).

ОҚҚЎРҒОН (телефон орқали олинди). Бу ерда район механизаторларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашида агрономлар, колхоз раислари иштирок этди. Район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Нишоп, боев доклад қилди.

Район меҳнат эа т о р л а р и КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, пахтачиларнинг комплекс механизациялаштириш кучайтириш, мавсуд 178 пахта териш машинасида унумли фойдаланиб, машиналар билан илгари белгиланган 12 минг тонна ўрнига 15 минг тонна пахта теришга қарор қилдилар. Шунинг айтиш керакки, Оққўрғон совхозининг ўзида машиналар ёрдами билан 7,5 минг тонна — колхозлардагига тенг пахта терилди.

Пахта териш агрегатларининг иши икки сменада ташкил этилади. Бунинг учун 50 механик-ҳайдовчи РТС да махсус курсларда ўқитилди ва улар янги маркадаги машиналарни бошқариш билан танишдилар. Олма терим аппаратларининг ремонт қилиш 5 августга таъинланди ва уларнинг тиркан аса 20 августга таъинланди. Шу йўлдан иккида кўсак чўшиш машиналари ҳам тахт қилинади.

Музокарада сўзга чиққанлар терим техникасининг унумли ишлатилиш таъминлаш учун барча шароитларни яратиб, гўзани машина теришга мослаб парвартиш қилиш, ғўзаларни юрмаслик, ўтдан тоза сарлаш зарурлиги тўғрисида гапирдилар ва зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар.

— Мен ХВБ-1,2 машинаси билан, — деди «Ленинбод» колхоз 2-бригадасининг механик-ҳайдовчиси ўртоқ П. Тошқужаев, — мавсумда 250 тонна пахта тераман, ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймайман.

Муродов, Т. Отабев, Т. Бозоров, И. Холимов, А. Абдирайимов ва бошқа механизаторлар ҳам ана шундай оширилган мажбуриятлар олдилар.

ШАРОИТ БИР-У, ИШЛАРИ ХИЛМА-ХИЛ

Урта Чирчиқ районидаги Киров номили совхознинг 1-бўлимининг М. Давлатов билан М. Қамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг пахта майдонлари бир-бири билан туташ. Ери, суви ва бошқа шароитлари ҳам бир хил. Лекин ҳар икки бригадани даласини кўздан кечириган киши икки хил манзарани кўриб ажабланилади.

141 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириш учун курашаётган ўртоқ М. Давлатов бошлиқ 2-бригада ишчилари гўзани вақтида парвартиш қилиб, унинг тез ривожланиши ва эрта ҳосилга киритиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Дала ишлари бир-бирига боғлаб олиб боришмоқда. Гўзаларни чаққатиб қўймаслик учун ҳамма тадбир қўйилапти. Ер етилиши билан сифатли култивация ўтказилмоқда, гўза қатор ораларида бегона ўт йўқ. Шунинг учун ҳам бригаданинг барча майдонлари гўзалари текис гуллаб, ҳосил элементлари кўпаймоқда. Шона гулга, гул кўсакка айланаётди. Бригаданинг Ф. Абилов ва Т. Аскарлов сингари азамат механизаторлари гўзани икки томонлама беш марта култивация қилдилар. Улар суръатини кучайтириш билан бирга ишнинг сифатли бўлишига ҳам алоҳида эътибор бераётдилар.

Миршор сувчилардан И. Ғужаб, З. Тожибоев, О. Исломов ва У. Шокиров ўртоқлар суғоришни икки сменада ташкил қилганлар. Гўзалар томирдан қондириб суғоришмоқда. Шунинг учун бригадани гўзалари мажбуриятини қўлайлашган миқдорда мўл ҳосил қўлаймоқда.

Ўртоқ М. Қамов эски пахтакор. Бироқ бу бригада даласида гўза парвартиш кўнгилдагидек эмас, 36 гектар ердаги гўза ҳалигача гумай, печакдан тозаланмаган. 20 гектар ерда гўза сийрак. Мажбуриятини эмас, ҳаёт пилани мўлажалланган ҳосили олиш ҳам гумон. Гўзалар чаққатиб суғоришган, вақтида парвартиш қилинмаганидан 30 гектар ердаги гўзанинг авжи яаст. Бригадани агротехника қондилари бузилаётди. Гўзалар вақтида суғорилмайди. Бунинг устига ер етилмасдан лойлигида култивация қилинади. Бригадани иштисизлигини бўлиштириш иш планли ташкил қилинмагани сабабли шу камчиликлар содир бўлмоқда.

Совхоз дирекцияси илгор бригадани билан кифояланмасдан М. Қамов сингари гўза парвартишда орқада қолаётган бригадаларга жиддий эътибор бериш ва барча майдонда мажбуриятини қўлайлашган миқдорда мўл ҳосил етиштириш тадбирларини тўла-тўқис амалга ошириш зарур.

М. ОЙДИНОВ.

„УЛАР ЖАВОБГАРЛИКДАН ҚУТУЛОЛМАЙДИЛАР“

АҚШ ҳуқумрон доираларининг хиёнаткорона сиёсатини қош қилувчи фактлар тўплами

Чет эл адабиёти нашриёти «Улар жавобгарликдан қутулолмайдилар» номли тўпламин ишар этди. Бу тўплам ҳуқуматлар бошлиқларининг Париж кенгашини барбод қилиш билан боғлиқ бўлган воқеаларни ёритади. Тўпламда фактлар юксак доирадаги кенгаши барбод этган АҚШ ҳуқумрон доираларининг хиёнаткорона сиёсатини қош қилиб ташлайди.

Кенгаш арасида, ҳуқуматлар бошлиқлари Парижда турган пайтда ва Америка ҳуқумрон доиралари Париж кенгашини барбод этганидан кейин АҚШнинг илгорларини сиёсати тўғрисида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг айтган гаплари тўпламга киритилган.

«У-2» самолётининг СССР доирасига юборилиши юзасидан Америка сенати ташки ишлар комиссияси ўтказган текшириш материаллари ҳам эълон қилинган. Ана шу комиссиянинг мажлислари АҚШнинг ҳозирги ҳуқумати ўт

билан ўйнашаётганлигини, бу ҳуқуматнинг тинчликсеварлик руҳидаги баёнотлари ҳақиқатини алдашга, агрессия сиёсатини илдорлашга мўлажалланганини бутун дунёга яна бир марта кўрсатиб берди.

Америка жамоатчилигининг турли масаладаги вакиллари илгор қилган айрим фикрлар ҳам тўпламга киритилган. Бу фикрлар АҚШдаги ақли расо кишилар Америка ҳуқуматининг умумий тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган ташки сиёсий йўлини қоралаётганлигини кўрсатади.

Тўпламининг таъки сиёсий йўлини қоралаётганлигини кўрсатади. Тўламининг ҳосил қисмида айтилишича, дунёдаги соф илдорлик кишиларнинг ҳаммаси Америка самюлетининг 1 июлда СССР ҳаво масофаларини яна қўпол равишда бузганлиги Америка хиёнаткорона агрессия сиёсатини давом эттиратганлигини кўрсатади, деб ҳисобламоқдалар. (ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат О. А. Алимов ва Ф. Е. Титов ўртоқлар сайловчилар билан учрашдилар

Шу йил 24 июлда яқинба кунги Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи 80-Нийёбон сайлов округида қўшимча сайлов бўлади. Кеча Янгийўл районидеги Ленин номили колхозда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кандидат Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ориф Алимов билан сайловчиларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Кўп кишилиқ йиғилишни Янгийўл район партия комитетининг секретари Т. Умаров очади. У ишончли вакил Д. Мўминовга сўз беради. Ўртоқ Мўминов Янгийўлдаги Ориф Алимовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб беради, сайловчиларни Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди ўртоқ О. Алимов учун овоз беришга чақиради.

Илгор колхозчи Т. Нийёзова сўзга чиқади.

— Биз ўртоқ Алимовни ўзининг бутун кунини коммунизм иши учун курашга бераётган киши сифатида билишимиз, — дейди у. — Бўлажак сайловда коммунистлар билан партиячилар бузилмас блокнинг муносиб кандидати ўртоқ Алимовга овоз беришга чақираман. Биз аминимизки, ўртоқ Алимов халқ ишончини тўла оқлайди.

Минбарга Социалистик Меҳнат Қасридаги агроном К. Алимов чиқади. У бундай дейди:

— Ўртоқ Алимов Ватанимизнинг бахт-саодати, коммунистик жаҳият қурилиши йўлида ҳормай-толмай ишламоқда. Биз сайловчилар бирдамлик билан унга ўз овозимизни берамиз.

Шундан кейин сўзга чиққан уч марта Социалистик Меҳнат Қасридаги агроном Турсунқулов, Ленин номили колхозининг иккинчи участка партия ташкилотининг секретари И. Боймиров ва бошқа сайловчилар етти йиллик илгани амалга оширилишида, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда, коммунизм қурилишида халқимиз кўлга қирғатаётган катта ютуқлар ҳақида гапирдилар, ўртоқ Алимовга яқинлик билан овоз беришга чақирадилар.

Ўртоқ Ориф Алимов ўзига билдирган ишонч учун сайловчиларга сажимий ташаккур илгор этди.

Йиғилиш округнинг барча сайловчиларини ўртоқ Ориф Алимовга яқинлик билан овоз беришга чақиради.

Ўртоқ Алимовнинг сайловчилар қиладди.

Чет элларда

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИ БОШ МИНИСТРИНИНГ НЬЮ-ЙОРККА ҚИЛАДИГАН САФАРИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 21 июль. (ТАСС). Ассоциатед Пресс агентлиги муҳбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Бирланган Миллатлар Ташкилотининг бу ердаги вакили Конго республикасининг бош министри Патрис Лумумба Конгодаги аҳро ҳақида Хавфсизлик Кенгашида ахборот бермоқ учун эртага Нь-Йоркка келиши мўлажам.

ка жўнаб кетиб ниятида эканлигини Бирланган Миллатлар Ташкилотининг маълум қилганлигини айтган. Бирланган Миллатлар Ташкилотининг вакили Шунинг ҳам айтилиши, Хавфсизлик Кенгашидаги Конго масаласи Конго республикасининг бош министри етиб келмагунча қўйилмай туради.

ЛИВАН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 20 июль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: Ливан президенти Фуод Шаҳоб бугун Ливан парламентининг раиси Хамдийга махтўб юборди. У, ўз махтўбиде республика президенти вазирадидан истеффо беришга қарор қилганлигини билдирди. Айни вақтда

Фуод Шаҳоб Ливан халқига қарата ёзган махтўбин Хамдийга тоштиради. Президент Шаҳоб бу махтўбиде эндиликда, янги парламент сайланиб, саёсий системанинг нормал ишлатилиши учун шароит яхшидан қилинган пайтда, 1958 йил июль ойида мамлакат томонидан ўз зиммасига юкланган вазифанинг бажарилаётганлигини айтган. Министрлар Совети республикасининг янги президенти сайлаш учун 26 июлда парламент мажлисини чақиритишга қарор қилди.

«ИЛ-18» СОВЕТ ЛАЙНЕРЛАРИ ЛЕОПОЛЬДВИЛГА ЕТИБ КЕЛДИЛАР

ЛЕОПОЛЬДВИЛЬ, 21 июль. (ТАСС). Бугун бу ерга «ИЛ-18» типидеги тўрт совет самолёти келди. Бу самолётлар Конго Республикаси аҳолиси учун озиқ-овдат, шунингдек Бирланган Миллатлар Ташкилоти қўшинлари составига кирадиган Гана ҳарбий бўлинмаларини олиб келди.

„ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ“

3-БЕТ, 23 ИЮЛЬ, 1960 ЙИЛ.



БЕГИМҚУЛ АКА ҲАҚ ГАПНИ АЙТДИ

белгиланди. Лекин ҳамон аҳвол ўзгаргани йўқ.

— Тўғри, — деди Бегимқул ака гапиде давом этиб, — қайси кун партиякомизимиз бир расомни бригаданимизга бошлаб келди. Шийпонимизнинг орқа томонига нималарнидир ёздирди, 5—10 та суратни девонга ёйиштириб кетди. Ёйиштиришга қараганда энди шийпонимиз колхоздаги онг чиройли, намунали шийпонилар қаторига ўтиб қолган эмис.

Бегимқул ака айтганича бор. Шийпон кўрмисиз. Ундаги икки хона ҳам бўмбўш. Оқланмаган ва пол тахталари синиб ётибди. Дам олиш пайида бир оз мизгиб олиш у ёқда турсин, ҳатто овқатланиш ҳам амри маҳол, рўпарадаги столбага ўриштирилган радио қарийини айтмаймизми. Унинг жарангадан овози бутун қишлоққа тарқаларди. Яқинда радио қарийини бузилиб қолди, лекин уни тузатиш тўғрисида раисимиз Кан. партиякомизимиз Рихсиевлар ўйламаётдилар.

Колхознинг 2, 3-бригадаларидаги дала шийпонларидаги аҳвол бундан яқини эмас. 2-бригада дала шийпонининг девори йиқилиб кетибди. Уни ремонт қилиш ҳақида икки ойдан бери гап бўлади, лекин уни ремонт қилишга ҳамон киришилгани йўқ.

Маълум бўлишича, бригада аъзолари ўртасида тушунтириш ишлари билан деярлик ҳеч ким шуғулланмас экан. Бригаданинг биронга аъзоси ўзларига бикиртилган агитатор кимлигини ҳам, қайси бригада би-

лан мусобақадом эканликларини ҳам билмайди.

Колхоз правлениеси идорасининг ҳаёнаматли бонисига қараверилла чиройли рангларга бўлган иккинчи янги «Хўржат тахтаси» турибди. Бироқ унга ҳалига қалар қўл текисланмаган, бригаданинг бўйича ортилган қўрсаткичлар ёзиб турилмайди. Бу ерда мазмуну жиҳатидан шунининг талабига тўла жавоб берилайдиган, эскириб қолган шпор ва плакатларнинг осиб қўйилганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бу колхозга қўшни бўлган Ленин номили йирик колхоз бригадаларининг дала шийпонларида ҳам бўлади. Марказий шийпонлар беэтилиб, узоқдагилари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Колхознинг Москва участкаси, Тошкент қаналининг юқори зонасидаги бригадаларда номинатива қўнқайтириб қўйилган «дала шийпонлари» бор.

Шуниси ажабланирлик, республикаимиз пойтахтининг бикинда турган бу колхоз (раиси Мўминов, партия ташкилотини секретари Саидкаримов ўртоқлар) бригадаларининг кўпчилигида жанговар қаҳриқлар айтилмайди, агитаторларнинг лекция ва сўхбатлари ўтказилмайди. Шундай бўлгани ҳолда район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг ходимлари колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни қўнқайтириш, дала шийпонларини бу ишларнинг ҳақиқий марказига айлантириш масалалари билан қина-қинашга шуғулланаётдилар. Колхоз-

да гўза парварини соҳасидаги қолдиқларини сабабларидан бири ҳам худди шунда эмасмикан?

Рейд бригадани районидаги Киров номили, «Коммунизм» ва бошқа колхозларнинг жуда кўп дала шийпонларида, болалар боччалари, яслилари бўлиди, агитаторлар билан сўхбатлашди. Бу колхозларда ҳам оммавий-сиёсий ишлар қўнқайдилик ташкил қилинмаган. Дала шийпонлари колхозларнинг унумли меҳнатдан кейин маданий дам ва маънавий озуқа оладиган жойига айлантирилмаган. Бригадаларнинг кўпчилигида иссиқ овқат ташкил қилинмаган, савдо/хизмати йўлга қўйилмаган ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирги доллар қуналарда гўза парваринининг қўнқайтириб юборилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитети, айниқса унинг пропаганда ва агитация бўлими мўл пахта ҳосили етиштириш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун ҳормай-толмай курашаётган одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва улар учун қўлай маданий-маънавий шароит яратиб бериш ўзларининг бевосита бурчи эканлигини унутмасликлар керак.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Янгийўл» газеталарининг рейд бригадаси:

Б. МИРЗААХМЕДОВ, «Янгийўл» газетасининг ходими.

Т. ЭГАМБЕРДИЕВ, Район маданият ўйининг инструктори.

М. ҒОЗИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

